

“КЕЛИШИЛДИ”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети ректори


У.Н.Ташкенбаев


Т.Тешабаев

2018 йил “17” аввар

2018 йил “17” аввар

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети Таълим сифатини назорат қилиш бўлими тўғрисидаги
НИЗОМ**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Таълим сифатини назорат қилиш бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сон қарорининг 14-бандига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, бевосита Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети таркибига киради.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Таълим сифатини назорат қилиш бўлими мақоми, асосий мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Таълим сифатини назорат қилиш бўлими (кейинги ўринларда матнда – Бўлим деб юритилади) Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг (кейинги ўринларда матнда – Университет деб юритилади) тузилмасига киради.

3. Бўлим низоми намунавий Низом асосида ишлаб чиқилди ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда матнда – Давлат инспекцияси деб юритилади) билан келишилган ҳолда университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланди.